

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ОЛИМ ВА ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон қадрини улуғлаш, аждоқлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ибратли ишларини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш мақсадида ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий, ижтимоий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди билан халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни бойитиш, мамлакатимизда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, жамиятимизда эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган куйидаги марҳум олим ва ижодкорлар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Арипов Уктам — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, жарроҳ олим
Гафуров Вали — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб
Жалолов Тўхтасин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим, таржимон
Кабулов Васил Кабулович — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, кибернетик олим
Косимов Бегали — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, жадидшунос олим
Мухамедов Қуддус (Қуддус Мухаммадий) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Парфиев Турсунали (Рауф Парфи) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Раджапов Мурад Ядгарович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр
Рустамов Алибек Рустамович (Алибек Рустамий) — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим

Сулаймонов Тўра (Тўра Сулаймон) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Тўхтасинов Мамиржон Салимжонович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда
Халиков Мухритдин Джалалитдинович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда
Хамрабоев Ибрагим Хамрабоевич — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, геолог олим
Юсупов Мухаммаджон (Мухаммад Юсуф) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Акилова Вилоят Исахаровна — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, балетмейстер
Ахмедова Римма Ашуровна — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, театр актриси ва дубляж устаси
Вахобов Исмоил — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи
Мадалиев Охунжон Нусратович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда
Назаров Анаркул Мамадович (Анор Назаров) — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор
Обитжонов Анваржон (Анвар Обиджон) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

«Дўстлик» ордени билан

Юлдашев Баҳадир — «Дийдор» театр-студияси бадий раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА Санъат СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли илмий-ижодий ва амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан

Холиқназар Нуриддин Мирзаҳамдам ўғли — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

«Имом Бухорий» ордени билан

Абдуллаев Абдулхай Болтабоевич — Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси доценти
Абдуллаев Хайрулла Ибодуллаевич — Хоразм вилояти бош имом-хатиби
Алимов Мирзамахсуд Хатамбекович — Андижон вилояти бош имом-хатиби
Сайфудинов Раҳматулла Хабибулаевич — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Минор» масжиди имом-хатиби
Юнусов Абдуқохор Рихсибаевич — Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан

Мирҳадиев Карим Хусанович — Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, кино ва театр актриси

Раметова Саида Ходжиевна — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси
Сайидов Тохир Самандарович — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони билан

Байбосинов Сарсенбай Базарбаевич — Ж. Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати рангтасвир фани ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони билан

Генжемуратов Бахтияр Алламбергенович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан

Нарматов Ферузбек Рузимбаевич — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси, бахши

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан

Ахмедова Зарина Ахмедовна — Ўзбекистон давлат филармонияси «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли бадийи раҳбари, балетмейстер
Бердиев Илхомбек Юлдашевич — Ўзбекистон давлат драма театри актриси
Пазилджанов Жаҳонгир Гайратович — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси
Рузметов Отабек Авазметович — Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмаси балет артисти

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ҲАМДА ЕВРООСИЁДА ЯНГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»НИ ТОПИШ ИСТАГИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Хорижий экспертлар Туркменистоннинг «Аваза» миллий туристик зонасида бўлиб ўтган уч томонлама учрашув яқунлари ҳақида

**Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети профессори,
Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис:**

— Халқаро муносабатларни қузатувчи мутахассис сифатида Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишончли ва узоқни кўра оладиган ҳамкор ўлароқ ўз мавқеини ишонч билан мустаҳкамлаб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Сўнгги йилларда айнан унинг сиёсий иродаси билан Ўзбекистон — Туркменистон ва Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Имзоланган стратегик ҳужжатлар, мунтазам учрашувлар ва қўшма лойиҳалар мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб, ҳамкорликни чуқурлаштириш учун кенг истиқболларни очди. Айниқса, стратегик йўналишлар — энергетика, транспорт-логистика, саноат кооперацияси ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида амалий ҳамкорликка эътибор қаратилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бунга қўшма корхоналар, йирик инфратузилма лойиҳалари ва ҳатто «Марказий Осиё — Озарбайжон — Европа «яшил» энергия йўли»ни ишга тушириш мисол бўла олади. Бу нафақат етакчиларнинг узоқни кўра билишлари, балки экологик барқарорликни таъминлаш — глобал устувор вазифага айланади.



ниб бораётган замонамизнинг муаммоларига ҳам жавоб беради.

Иқтисодий соҳада эришилаётган натижалар ҳайратланарлидир. Ўзбекистон билан Туркменистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, юзлаб қўшма корхоналар, капитали миллион долларлик сармоявий компания-



лар янги ташаббуслар учун ишончли платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси нафақат ўз давлатини ривожлантириш, балки Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда ягона фаровонлик маконини яратишга интилаётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ҳамда изчил сиёсати билан бевосита боғлиқ.



Мустақиллигимизнинг 34 йиллигига

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

“Белни маҳкам боғлаб ишга киришсак, биз ололмайдиган марра, биз забт эта олмайдиган довоннинг ўзи йўқ. Амир Темурдек буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олийжаноб Қашқадарё аҳли билан олдимизга қўйган катта-катта марраларга, албатта, эришамиз. Аминманки, қашқадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади”.

Президентимизнинг бу фикрлари Қашқадарё аҳлига катта куч, шижоат бағишламоқда. Хар бир киши ана шу ишончга муносиб бўлишга интилиб, давлатимиз раҳбари қўйган вазифаларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Қашқадарё — Ўзбекистон харитасида кўзга яққол ташланадиган, бепеён, довруги етти иқлимга таралган маъво. Асосан саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби етакчи соҳалар бўйича салоҳияти жуда юқори.



ТАДБИРКОРЛАР – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЕТАКЧИ КУЧ

Сўнгги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда тadbirkorликнинг жамият ҳаётидаги ўрни анча мустаҳкамланиб бораётир. Шу маънода, Президентимизнинг тadbirkorлар билан навбатдаги учрашуви шунчаки анжуман эмас, балки давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жонли ва самимий мулоқот майдони эканлиги билан аҳамиятлидир.

Муносабат

Шу ўринда айтиш жоиз, ўтган саккиз йилда иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқлари янгидан ташкил этилди, 230 млрд. доллар инвестиция киритилди ва шундан 120 млрд.дан ортиги хорижий сармоя ҳисобига тўғри келади.

Тadbirkorликнинг иқтисодиётдаги

ўрни ва ролига баҳо беришда, иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган микдорий кўрсаткичларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Мамлакатимизда 1 600 та микрокорхона бир йил ичида айланмасини 10 млрд. сўмдан ошириб, бирданига ўрта корхонага, 143 таси эса 100 млрд. сўмдан ўтказиб йиригига айланди.



Мушоҳада

ҚОНУНИЙЛИК ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар “Инсон қадри учун” тамойили асосида рўёбга чиқарилиб, ҳар биримизнинг ҳаётиимизда, турмуш тарзимида яққол акс этмоқда. Аҳоли турмуш даражаси янада юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда.

Аҳамиятлиси, янгиланиш ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз халқаро ҳамжамият, нуфузли халқаро молиявий-сиёсий ташкилотлар, сиёсатчилар томонидан юксак эътироф этилаётир. Албатта, бу Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Айниқса, ижтимоий соҳадаги туб ўзгаришлар халқпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва бевосита ташаббуслари туфайли Ўзбекистон ҳақиқий ижтимоий давлатга айлانмоқда.

Бинобарин, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 1-моддасида мустаҳкамланган “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойил амалий мазмун касб этиб, халқчил ислохотга айланди.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар натижадорлигини оширишда ижтимоий соҳага давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий дастурларни молиялаштириш ҳажми мислсиз даражада оширилди. Давлат бюджетидан қанча маблағ сарфланишидан қатъи назар, энг муҳим ёндашув халқимиз фаровонлигига қаратилди. Ижтимоий харажатларнинг ЯИМга нисбатан 2 баробар олиши, нафақа олувчи кам таъминланган оилалар қамровининг 5 баробар кенгайтирилиши — буларнинг барчаси халқ манфаатларининг ҳар қандай иқтисодий тежамкорликдан устун қўйилишининг исботи.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан ногиронлиги бор шахслар ва болаларни парваришлаш билан банд бўлган фуқаролар учун нафақаларнинг янги турлари жорий этилди. Бу эса миллионлаб оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Айтиш керак, давлат ўз зиммасига барча ижтимоий масалаларни олиши, ҳеч шубҳасиз, инсонпарварлик сиёсатининг муҳим қўринишидир. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳуқуқий асос билан мустаҳкамланаётгани эътиборга молик. Жумладан, 2023 йил 1 июнда давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши ижтимоий соҳадаги инқилобий ўзгаришларнинг бошланиши бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Ходжаев Аблат — Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

Шералиева Татьяна Тургуновна — Фаргона вилояти инновацион маданият маркази директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

Бўтаева Фарида Кузиевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоира

Назарбеков Озодбек Ахмадович — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан

Эрматов Хусан Тоҳирович — “Ishonch” ва “Ishonch-Doverie” газеталари бош муҳаррири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Власова Лилия Вильдановна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи

Достанов Алимардон Махмур ўғли — Чирчқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг бокс бўлими мураббийи, Тошкент вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортччи» фахрий унвони билан

Икромова Тахмина Изатуллоевна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Акбаров Мишавкат Миралимович — Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг гепатобилиар жаррохлик ва трансплантология бўлими раҳбари, жарроҳ

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Рузиахунов Раҳматхон Турсунович — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи

Ташматов Мамурджан Ганиевич — Ўзбекистон давлат филармонияси, Давлат джаз оркестри бадий раҳбари

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаев Насрулла Джалилович — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти директори ўринбосари

Акарова Фарида Шарахимовна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфдаги “Бўстон санаторийси” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Аскарлов Ибрагим Раҳманович — Андижон давлат университети кимё кафедраси профессори

Атаханова Ҳакимаҳон — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри етакчи сахна устаси

Ботиров Низомидин Файзуллаевич — Тошкент вилояти Окқўрғон тумани 8-сон умумий ўрта таълим мактаби директори

Раҳманов Ваҳоб — Гулистон давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

Раҳматов Мирвахит Мирахматович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста, Тошкент шаҳри

Саатов Талъат — Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти лаборатория мудири

Тоҳиев Килич Мусаҷонович — Олтиариқ туманидаги 14-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, хонанда, Фаргона вилояти

Халмедов Мирзатилла Нигматович — Ўзбекистон давлат сатира театри директори, бадий сўз устаси

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Режаббой Тўраевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Андижон вилояти

Акабаров Абдулла Махсуталиевич — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри артисти, бадий сўз устаси, Фаргона вилояти

Арзуова Набийра — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси

Баймуратова Ирина Викторовна — Ангрн шаҳридаги 21-сон умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Барашева Светлана Мухтаровна — Самарқанд вилояти рус драма театри олий тоифали артисти

Бегматов Хайриддин Холиқулович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Самарқанд вилояти

Бойназаров Фарход Эркинович — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри

Борчанинов Кирилл Валерьевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Буваев Ваҳобжон Содикович — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Наманган вилояти

Джўраев Эркин Зайниевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи rassom, Бухоро вилояти

Йўлдошев Шўҳрат Темирович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Кудайназаров Амангелди Аидарбекович — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри сахналаштирувчи режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси

Курбонов Шукржон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Латипов Азизхон Гайбуллаевич — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

Махкамов Бахтияр Мирҳодиевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дастгоҳли рангтасвирчи rassom

Махкамов Тоҳир Турғунович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Фаргона вилояти бўлими хонандаси

Мустафоев Суяндик — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Мухамедов Давлат Кадилович — Хоразм вилояти “Al-Amal Ijod” хусусий корхонаси ганч ўймакор устаси

Мухтаров Илдар Асқадович — Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти бош илмий ходими

Омар-Мун Ясмина Халидовна — Учтепа туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, хонанда, Тошкент шаҳри

Ражабова Юлдуз Шамшиддиновна — театр ва кино актрисаси

Султанов Аллаберган Дурдиевич — Хоразм вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонасининг китобларни сақлаш бўлими мудири

Таджимуратова Улжан Турдимуратовна — Тошкент шаҳри Олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

Тараскин Александр Андреевич — Тошкент шаҳридаги “Smart school” нодавлат таълим муассасасининг биология фани ўқитувчиси

Турғунов Тоҳир Мирҳасимович — Ўзбек Миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали артист-созандаси

Усмонов Ахроржон Ҳолматович —Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси

Ҳажи Акбар Айс — Шинжон тиббиёт университети ректори, Хитой Фанлар академияси Шинжон физик-кимёвий техника институтининг академик директор ўринбосари

Ҳаметов Рустам Рауфович — “Ўзбекцирк” давлат муассасаси директори ўринбосари, цирк артисти

Ҳамраева Надира Михайловна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Ҳолматова Уғулой Султоновна — Бекобод тумани маданият бўлимининг “Нилүфар” фольклор мактаби бадий раҳбари, Тошкент вилояти

Ҳолимираев Боир Мирзаалиевич — Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

Хусанов Мирабзал Заирович — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор

Хусанова Нигора Каҳрамонжоновна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано кафедраси катта ўқитувчиси

Эргашева Барно Бахтияровна — “Томоша” болалар мусиқий театр-студияси бош балетмейстери

Юлдашева Лола Равшанбековна — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Ахмедов Холиёр Эргашевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали 1-сон жаррохлик бўлими шифокор-жарроҳи

Дадаев Хуршид Хамиджанович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг нейрорухлик жонлантириш бўлими мудири

Жанабаев Бахтиёр Базарбаевич — Тошкент давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси бўлим мудири

Машарипов Кадамбай — Урганч давлат тиббиёт институтининг нефрология, гемодиализ, травматология ва ортопедия кафедраси доценти, Хоразм вилояти

Мирзаева Заҳида Джўраевна — Олмазор туманидаги 15-сон оилавий поликлиникаси ҳамшираси, Тошкент шаҳри

Содиқова Насиба Ахмадовна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Хатирчи тумани тез тиббий ёрдам станцияси навбатчи фельдшери

Яриев Алижон Равшанович — Гулистон шаҳридаги “Равшан даволаш маскани” хусусий клиникаси жарроҳи, Сирдарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ёдгоров Завкиддин Расулович — Бухоро вилояти кўғирчоқ театри бош rassomi

Ёқубова Халима Жўраевна — Муборак туманидаги “Шейх” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Қашқадарё вилояти

Кадилов Рамз Турабович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти

Маннопова Ойдинхон Султоналиевна — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети академик лицейининг ижрочи директори

Пирматова Нодира Ингиталиевна — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси мудири, хонанда

Суяркулов Шерали Рустамбекович — Фаргона давлат университетининг аҳоли томоқларидан самарали фойдаланиш ва доривор ўсимликлар кафедраси катта ўқитувчиси

Тешабаев Тулкин Закирович — Тошкент давлат иқтисодий университети ректори

Тоғаева Гуландом Жўмаевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Тошкент вилояти

Халикова Мухаббат Шадиевна — Термиз шаҳридаги 2-сон оилавий болалар уйи раҳбари, Сурхондарё вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Абдуваитова Лариса Аминджановна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сон марказий клиник шифохонаси бош ҳамшираси

Кутбиддинова Наима Абдуқайимовна — Уйчи туманидаги “Ёрқатай” оилавий шифокорлик пункти тиббий бригадаси дояси, Наманган вилояти

Сафарова Гулжаҳон Сафаровна — Оқдарё туманидаги “Узун” оилавий шифокорлик пункти мудири, Самарқанд вилояти

«Келажақ бунёдкори» медали билан

Дўсматова Муштарий Ингиталиевна — Ўзбекистон давлат филармонияси “Шодлик” ансамбли балет артисти

Камалходжаева Шукронахон Ахмадилло қизи — Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли балет артисти

Косимова Ирода Жохонгир қизи — “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси артисти

Матвеева Дарина Сергеевна — “Ўзбекцирк” давлат муассасаси олий тоифали артисти

Норов Ферузбек Иззатуллоевич — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли мақомчиси

Нурматова Шохидахон Урмонжон қизи — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Пиязов Ақилбек Буркит ули — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Сарсенбаева Инкар Алписбаевна — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актрисаси

Элмурзодда Улугбек Ахмаджон ўғли — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри олий тоифали артист-мақомчиси, Фаргона вилояти

«Шўҳрат» медали билан

Абдуллаев Равшан Ўктамович — Янгйобод туманидаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Абдуллаев Расулжон Рустамжон ўғли — Ўзбекистон давлат филармониясининг давлат хор капелласи олий тоифали хор артисти

Абдурахимов Фахриддин Садикович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Mahalla” телерадиоканали радио лойҳалар муҳарририяти бош муҳаррири

Абсаматов Мухиддин Исматович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Акрамов Маҳаммадзид Равшанбек ўғли — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Ахмедова Насиба Сейдахметовна — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ўйинчоқлар ясовчи уста, Тошкент шаҳри

Бахромова Дилноза Эшмирзаевна — Самарқанд вилояти Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби парадзодо бўйича мураббийи

Бекматов Болтабой — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, Хоразм вилояти

Вайсов Мансурбек Эгамберганоич — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси катта ўқитувчиси

Валатина Виктория Сергеевна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Муножот” рақс ансамбли балет артисти

Ғайбуллаев Ғулом Сайдалимович — Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг агробиология факультети декани

Гулмуротов Дилмурод Сайитмуротович — Гулистон туманидаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ғулможонов Каҳрамон Рустамжон ўғли — “Ҳавас” оилавий гуруҳи хонандаси, Тошкент шаҳри

Джўрабаева Дилфузахон Мамунджановна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Шодлик” ансамбли бош балетмейстери

Досмухамедов Таҳирджан Джўраевич — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг ижодий бўлими бошлиғи, театршунос

Жўмаев Турғун Пўлатбоевич — Навоий вилояти кўғирчоқ театри актёри

Имомова Шаҳрибону Комиловна — “Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган тахририяти бош муҳаррири

Каттабобоев Шерзод Мухиддинович — Сирдарё вилояти мусиқали драма театри олий тоифали драма артисти

Махмудов Нодиржон Кабилджанович — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти катта муҳбири

Махмудова Фарангиз Нуридин қизи — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чоғлу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси, созанда

Мирзаев Дилмурод Валиҷонович — Ўзбекистон давлат филармониясининг миллий карнай-сурнай гуруҳи бадий раҳбари

Мирзаева Камила Бахтиёр қизи — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Наврўз” ансамбли балет артисти

Муминолов Лочинбек Нуриддин ўғли — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

Мусабеков Дилшод Комилбекович — “Dizayn PRO” масъулияти чекланган жамияти актёри, Тошкент шаҳри

Мухамеджанов Гуламжон Ибрагимович — Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли артист-созандаси

Набиев Абдурауфбек Абдураззоқ ўғли — “Rapid Company” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, режиссёр, Тошкент шаҳри

Ражабов Хайрилло Садиллоевич — Академик Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокори

Раимкулов Азамат Кенжебаевич — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

Раҳмонова Гуласал Итолмасовна — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

Рахмонова Гузал Шавкатовна — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

Сайбурханов Зафарбек Обиджанович — Андижон вилояти мусиқали драма театри актёри

Сейтхалилова Мафтуна Ахатовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг “Тумор” ансамбли балет артисти

Тошев Давлат Бўронович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи rassom

Тугалов Ботир Бахромович — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри директори

Умаров Мирзаонус Джўраевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймаkori, Фаргона вилояти

Ҳамдамова Одинахон Араббой қизи — Паравелоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ҳайдаров Илҳомжон Эргаш ўғли — “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонаси режиссёри

Чориев Нурилла Ортиқович — “Ёшлик” журнали бош муҳаррири, ёзувчи

Шарипов Андрей Мирсамеевич — Ўзбекистон триатлон федерацияси спортчиси

Элліева Дилдора Анваровна — Жондор туманидаги 4-сон мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ҲАМДА ЕВРООСИЁДА ЯНГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»НИ ТОПИШ ИСТАГИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА



Туркманбoши шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркменистон” саммити уч томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар очади, стратегик манфаатларни мувофиқлаштиришнинг қўшма механизмлари яратади ва йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон мазкур жараённинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб, қўшилариини янада яқин ҳамкорликка руҳлантирди, десак, хато бўлмайди.

Ласло ВАШ,
Венгрия халқаро муносабатлар институти президентининг катта маслаҳатчиси:
— Ўзбекистон, Озарбайжон ва Туркменистон етакчиларининг уч томонлама саммити Марказий Осиё ҳамада Каспий минтақасида ўзаро ҳам-

корликнинг янги архитектурасини шакллантиришда муҳим босқич бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг иштироки Ўзбекистоннинг кўп векторли ташқи сийсатга содиқлигини, иқтисодий ва транспорт алоқаларининг амалий механизмларини ишлаб чиқишга интилишини таъкидлайди.

Расмий Тошкент учун ушбу платформада иштирок этиш — унинг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги кўприк ролини кучайтириш, демакдир. Уч томонлама формат савдо

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ



Мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, етиштирилаётган галланнинг 13 фоиздан ортиғи, пахта-нинг 14 фоиздан зиёди вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, энергетика соҳасида ҳам муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шахрисабздаги Ҳисорак кичик ГЭС ва истикболда қуриладиган 416 та микроГЭС вилоятнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш, экологик тоза энергия манбаларини кўпайтириш ва табиий газ тежамкорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Бу каби лойиҳалар энергия таъминотини барқарорлаштириб, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Қашқадарёда саноат изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотда бу соҳанинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан далолат беради. “Шўртаннефтьгаз”, “Муборакнефтьгаз” корхоналари, “Шўртангазкимё” мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси каби йirik ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоятимиз, балки мамлакат саноатининг локомотивлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, енгил саноат, замонавий техникалар ишлаб чиқариш дейсизми, буларнинг барчасида сезиларли олға силжиш бор. Мисол учун, кечагина орзу қилиб, узок навбатларда туриб харид этганимиз — замонавий, сўнгги русумдаги телевизорлар бугун Қашқадарёда ишлаб чиқариляпти. Қарши шаҳридаги “Алп техно сервис” корхонаси хорижий “TSL”, “Hoffmann” брендлари

тимойи ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 9,5 минг километрлик йўл ва 114 та кўприк таъмирланди. Кейинги 8 йилда Қашқадарёда қарийб 26 минг хонадонли 711 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Биргина туризм йўналишида Миракининг ўзида 180 млн. долларлик 200 дан ортқ лойиҳалар ишга тушган бўлса, яна 150 млн. долларлик лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушлаб қурорт зоналари қад ростламоқда.

Барча янгиланишлар, аввало, одамлар онгидаги ўзгариш туфайли рўй бермоқда. Қашқадарёликлар эртанги кунга, фарзандлари камолига ишонимшмоқда. Чунки бугун болажонларни ёшлигиданоқ имлиги, тарбияли қилиб камолга етиштириш учун барча имконият бор. 2017 йилда вилоятда 326 та боғча мавжуд бўлиб, қамров даражаси атиги 13 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу рақам 4052 тага етган. Давлат-хусусий шериклик асосида оилавий нодавлат мактабча таълим муассасаларининг сони ошиши натижасида қамров даражаси 70,4 фоизлик кўрсаткичда.

Вилоятда истиқлол йилларида мактаблар моддий-техника базасини яхшилаш, янгиларни қуришга катта эътибор берилди. 1276 та умумтаълим мактаби, Президент мактаби, битта ижод мактаби, 14 та ихтисослаштирилган ва 30 та хусусий мактабда Қашқадарёнинг келажаги камолга етляпти. Кеча бор-йўғи биттагина олийгоҳи бўлган вилоятнинг бугун 9 та олийгоҳида 110 минг нафар талаба таҳсил олмоқда.

Одамлар кайфияти, шубҳасиз, ижтимоий соҳага берилаётган эътибор даражасига боғлиқ. Бунда соғлиқни сақлаш тизими муҳим роль ўйнайди. Бирмунча вақт муқаддам вилоят кардиологика, эндокардиология шифохоналарига беморлар замонавий тиббий асбобларнинг етишмаслиги, биололарнинг эскилиги, шароитнинг ҳаминқадарлиги сабаб иложсизликдан қадам кўя эди. Бугун эса бу иккала шифохона ҳам замонавий бино, энг сўнгги русумдаги даволаш жиҳозлари билан сифатли тиббий хизматни қафолатламоқда.

Давлат шифохоналари ислох қилиниши билан бирга, соҳага инвестициялар жалб этилиб, хусусий сектор ривожлантириляпти. Жумладан, вилоятда 700 дан зиёд хусусий клиникалар фаоляти юритиб, уларда 72 та хизмат тури йўлга қўйилган.



Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган Шахрисабздаги “Оқ сарой” клиникаси мустақиллик байрами арафасида ишга тушди. Бу ерда 4 та жаррохлик ва 6 та реанимация хонаси, 100 дан ортқ шифо ўринлари мавжуд. Бир вақтинг ўзида 4 та, кунига эса 25 тагача кардиожаррохлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилган.

Бу ердаги замонавий эхокардиография ускунаси сунъий интеллект ёрдамида ишляйди. Бу эса Ўзбекистонда ягона, деб эътироф этилмоқда.

Юрт фаровонлигини белгиловчи кўрсаткичлардан яна бири ва асосийси — аҳолининг бандлик даражаси. Янги корхоналарнинг очилиши, иш ўринларининг ташкил этилаётгани бу муаммога ечим бўляпти. Айтиш керакки, кейинги 3 йилда бу соҳада катта марралар белгиланди. Йил бошидан буён 284 минг одамнинг бандлиги таъминланди. Йил охиригача яна 230 минг кишини банд қилиш, 150 минг оилани камбағалликдан чиқариш, Китоб тумани, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларини ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш бўйича “Йўл харитаси” белгилаб олинган.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги нишонланаётган айна кунларда вилоятдаги улкан бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти байрам шукҳини янада оширмоқда. Ҳар бир маҳаллада янги уйлар ва бинолар, замонавий хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари тантанали очилмоқда. Ўзгаришлар, бунёдкорлик шу қадар шиддат билан боряптики, кеча вилоятга келган меҳмон бугун уни таний олмайди.

Қашқадарё ислохотлар натижасида ана шундай шиддат ва ши тоб билан тобора чирой очмоқда. Унинг меҳнаткаш, танти ва мард аҳолиси эса бу юртни янада обод қилиш ниятида маррани баланд олаётгани ҳам рост.

Бу ишонч, бу рағбат, бу меҳр эса қашқадарёликларни янги муваффақиятларга чорляйверади.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҚОНУНИЙЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг фаоляти йўлга қўйилиши эса ҳар бир инсон тақдирига алоҳида эътибор қаратиш тамоийилининг амалий ифодасидир.

Янги тизимда ижтимоий ёрдамнинг аниқ ва натижали бўлишига алоҳида ургу берилмоқда. Президент таъкидлаганидек, ҳар бир оила ва шахсга индивидуал ёндашув зарур. Бунинг учун маҳалла даражасида ижтимоий хизматларни ташкил этиш бошланди. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш тизими шаффофлаштирилди.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилаётган “Ижтимоий карта” тизими фуқароларимизнинг ҳаётини янада содда-лаштирди. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган 250 дан ортқ турдаги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун фуқаролар 10 дан ортқ ҳужжатларни олиб



ушбу соҳада муҳим ҳуқуқий асосларни яратди.

Болалар омбудсмани институти фаоляти йўлга қўйилиши билан эса ушбу соҳада институционал асослар янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда Болалар омбудсмани давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қончиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширмоқда.

Охириги йилларда парламентимиз томонидан аёллар ва болалар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қатор қонунлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, Жиноят кодексига ки-

лар зиммасига болани фарзандликка бериш, васийлик ёки ҳомийликка ўтказиш ҳақидаги маълумотларни “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиш мажбурияти юкланмоқда.

Бундан ташқари, васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини лозим даражада бажармаганини учун четлаштирилган шахсларга болалар фарзандликка берилмаслиги белгиланмоқда. Бу чора-тадбирлар мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида рўёбга чиқарилаётган сай-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 2021 йилда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг халқаро ҳужжат — Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши мамлакатимизда бу соҳада туб ислохотларнинг бошланишига замин яратди. Мамлакат раҳбари томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар комплекси ногиронлиги бор инсонларнинг ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда.

“Меҳнатга лаёқатини белгилаш” деган эскирган амалиётнинг бекор қилиниши, протез воситалари турларининг 18 дан 30 гача оширилиши, маблағларнинг 1,5 баробар кўпайтирилиши, бундай воситаларни уйдан туриб ваучер орқали онлайн ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази орқали исталган ишлаб чиқарувчидан олиш имкониятининг яратилиши — буларнинг барчаси ногиронлиги бор шахсларга бўлган алоҳида эътиборнинг натижасидир.

Бундан ташқари, туман марказий шифохоналарида тиббий реабилитация хоналари ташкил этилмоқда. Ходимларининг 50 фоизда ногиронлик бўлган тадбиркорларга давлат буюртмалари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилмоқда.

Бундай шахсларни касбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослаштирилган мактаб саноат тармоқларига бириктирилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар касаначилик ва хунармандчилик асосида яратган маҳсулотларини электрон платформа орқали сотиши йўлга қўйилмоқда. Енгил саноат корхоналарига солиқ имтиёзлари, ижтимоий солиқ ставкасини пасайтириш, тадбиркорларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш каби рағбатлантиришлар амалиётга киритилди.

“Фаол ҳаётга қадам” дастурининг жорий қилиниши эса Президентимизнинг ҳар бир инсон, унинг имкониятларидан қатъи назар, ҳамяятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши кераклиги ҳақидаги инсонпарварлик госясининг ҳаётга татбиқ этилишига ёрқин мисол бўла олади.

Биз, парламент вакиллари бу жараёнларда фаол қатнашишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Аини вақтда Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар Президент ташаббусларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга йўл очмоқда. Зеро, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан фаровон, адолатли ва инсонпарвар давлатга айлантиради.

Мавлудхон ХҲҲАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари.

ТАДБИРКОРЛАР —



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЕТАКЧИ КУЧ



Яна 122 та кичик корхона йirik бизнес сафига қўшилди. Ўтган йили айланмаси 1 трлн. сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. Бу йилнинг ўтган олти ойида яна 47 таси 400 — 500 млрд. сўмлик маррани забт этди. Бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмлар кўпайтирилган ҳисоби-га 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайди, 273 мингта муассаса иш ҳақи фондини 22 фоизга ёки 4,6 трлн. сўмга оширди.

Бунда тадбиркорликнинг энг муҳим ижтимоий вазифаси ҳам намоён бўлмоқда. Жумладан, ишчин кичик лойиҳадан бошлаб, бизнесда тажриба ва малака тўплаган якка тартибдаги тадбиркорларга кўмак бериб, уларни 50 — 100 нафар одам ишляйдиган бақувват корхоналар соҳибига айлантириш мақсадида ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йилгача махсус ҳуқуқий режим жорий этилди.

Ишбилармонлиқнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг беқарорлиги бўлиб, уларни молиялаштиришда баъзи бир муаммолар кузатилади. Яна бир томони — тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий ўзгаришларга сезувчанлиги жуда юқори бўлгани боис бозор конъюктурасидаги кичик ўзгаришлар ҳам улар фаолятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Президентимиз бу масалага алоҳида ёндашувни эълон қилди, яъни бундай шароитда ўзи шундоқ ҳам пули тушмаётган ишбилармонлар муддат ўтган дебитор қарздорлик учун жарима тўляпти. Эндиликда давлат улуши бўлмаган корхо-

наларга экспортда муддати ўтган қарздорлик учун жарима ҳисоблаш ва ундиришга бир йиллик мораторий эълон қилинади.

Эътиборлиси, тадбиркорликнинг ривожланиши бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади, ёш мутахассисларни ишлаб чиқариш тажрибаси билан таъминляйди. Жумладан, қисқа муддатда ва тез даромад берадиган иш ўринлари яратилганда энг самарадор йўналишлардан бири бўлган хизматлар соҳаси жадал ривожлантирилади.

Йигилишда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда инвестициявий муносабатларни тартибга солиш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зарур шароитлар яратиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни ягона қонунга бирлаштирилган Инвестиция кодекси ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. “Тўғри, бизда инвестициявий муносабатларни тартибга солиш, сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга шароитлар яратиш бўйича юзлаб ҳужжатлар бор. Буларни ҳаммасини тўғридан-тўғри амал қиладиган ягона қонунга бирлаштириб, Инвестиция кодексини қабул қилиш вақти келди”, деб таъкидлади Президент.

Бу кодексга нима учун эҳтиёж пайдо бўлди? Айтиш мумкинки, инвестиция сиёсатини юритишда ишлаб чиқаришни трансформациялаш, замонавийлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб қилиш даражасида ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, инвестиция ресурслари таркибини ривожланган мамлакатлардаги мавжуд

Жамила БОБАНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

1 сентябрдан давлат хизматчиларининг ўз қўнималарини доимий ривожлантириб бориши бўйича «Давлат хизматчиси» мобиль иловаси ишга туширилади.

ШОНЛИ ЎТМИШГА ТУТАШ ИЛДИЗЛАР



Мирзачўл деганда, кўпчиликнинг тасаввурига қароқ чўл ва унчалик катта тарихий аҳамиятга эга бўлмаган яйдоқ ҳудуд келиши тайин. Аслида ундай эмас, Мирзачўлда ҳам тарих бор, тарихки, илдиизи минг йиллар билан туташади. Бу “Куш урса, қаноти, одам юрса, оёғи қуяди”, дея таърифланганидан ана шу бепоён саҳрода ҳам халқимиз тарихига оид бой осориатикалар ва археологик манзиллар мавжудлигидан далолат беради.

Мозийга боқиб...

Бинобарин, Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган қадимги антик даврдан то ўрта даврга оид экспонатлар Мирзачўлнинг 2 минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади.

— Бундан 11 йил аввал, яъни 2014 йилда Самарқанд археология институти олимлари томонидан Эски Ховотсепе археологик ёдгорлигида олиб борилган қазилмалар натижалари Мирзачўлнинг бой тарихи очи-лишига катта туртки бўлди, — дейди Сир-дарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори Зокир Холдорев. — Ай-ниқса, у ердан топилиган Анахита ҳайкалча-

лари катта илмий-тарихий аҳамиятга эга. Бу топилмалар ҳосилдорлик маъбудаси тимсо-лини акс эттириши орқали мазкур ҳудуд аҳолиси сувлоқ ва лалми ерларда зироат-чилик билан шуғулланганидан дарак бера-ди. Шу билан бирга, Милоддан аввалги III-II асрларга оид Анахита ҳайкалчалари зар-душтийлик давридан ҳам ҳикоя қилади. Бун-дан ташқари, олимларнинг Эски Ховотсепе-да 2014 — 2020 йиллар давомидаги изла-нишлари натижасида сомонийлар даврига тааллуқли уй-рўзгор буюмлари, қорахоний-лар тарихига оид бўлган мис тангалар ҳам топилиди. Музейимизнинг энг ноёб экспо-

натларидан яна бири — милоддан олдинги XII асрга оид Хумо куши тасвири туширил-ган чироқ тутқичидир. Бундай чироқ бал-доғи Ўзбекистон бўйича иккита топилиган бўлиб, бири Термиз археология музейида, иккинчиси эса Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда.

Юртимиз тарихининг Мирзачўл билан боғ-лиқ саҳифасининг энг муҳим жиҳатларидан яна бири мазкур чўл кенгликларидан Буюк Ипак йўлининг бир эмас, учта йўналиши ке-сиб ўтганлигидир. Яъни биринчи йўл Самарқанддан Ховос қалъаси орқали Сир-дарё бўйлаб Хушкат (ҳозирги Сайхунобод тумани ҳудудида мавжуд бўлган қадимги шаҳар), Шохруҳия, Қанқа ва Чоқ йўналиши-да бўлган. Мирзачўл орқали ўтган қолган икки йўналиш ҳам Буюк Ипак йўлининг му-ҳим тармоқлари ҳисобланган.

Айни Буюк Ипак йўлидаги Нурота (Хуш-кат шаҳри) археологик ёдгорлигидан топи-лан қорахонийлар даврига оид ўқ-ёй, мис тангалар, уй-рўзгор буюмлари ҳам

музейнинг археология бўлимидан жой олган. Эътиборлиси, Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида 2009 йилда ати-ги 123 та экспонат мавжуд эди, ҳозирги кун-да уларнинг сони 3390 тага етди. Айни кўрсаткич ҳам Мирзачўл воҳасининг тарихи бой ва бу борада ҳали очилмаган саҳифа-лар мавжудлигини исботлайди. Ҳудуд тари-хининг кўзгуси ҳисобланган мазкур музей билан боғлиқ яна бир муҳим янгилик шуки, 2025 — 2027 йиллар давомида ушбу мада-нияту муассасаси учун янги бино қурилади-ган бўлди.

Мазкур уч қаватли, муҳташам бинонинг залларидан ўрин оладиган ноёб экспонат-лар жуда кўп. Мирзачўл воҳаси тарихи ва маданиятига оид бу осориатикалар юрти-мизнинг тарихий илдиизлари узоқ мозийга туташиб кетганидан далолат бериб туриб-ди. Зеро, ўтмишни чуқур билиш ёрқин ке-лажак учун пухта замин яратади.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Иссиқхона – илғор тажрибалар маскани

Пешку туманидаги Абу Али ибн Сино қишлоғида 176 та хонадон бўлса, шунинг 170 тасида иссиқхона бор, десак, ишонасизми? Бу аҳолининг аксарияти томорқасини гуллайтиб қўйганидан далолат беради. Демак, кимдир помидор, бодринг, биров булғор қалампери, резавор кўкатлар, яна кимдир лимон етиштириш билан банд. Бу гўшада иш излаб, олис ўлкаларга кетаман деганни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз.

Барака

— Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан Бухоро вилоятида исло-ҳотлар натижадорлиги ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳудуд икти-содиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги қўшимча имкониятлар ҳақида ало-ҳида сўз юритилди, — дейди шу қишлоқда яшовчи “Шўхрат” медали соҳиби Нусрат Саидов. — Тумани-мизда арзон иссиқхоналар қурилди ва экспортбўл экмлар етиштириш йўлга қўйилди. Бу тажрибани оммалаштиришга давлатимиз раҳбари томонидан эътибор қаратилаётгани бизни жуда қувон-тирмоқда. Ахир “Ерни ардоқлаган, ундан оқилона фойдаланган киши ҳеч қачон кам бўлмайди”, деган ту-шунчани бугун ҳар бир хонадон аҳли юракдан ҳис қилмоқда.

Лимончилик билан шуғулланиб, элда обрў-эътибор топган Нусрат ака ҳақ. Миришкор дехқон жорий йилда гумусли тувақчаларда эртаги помидор ва ошқовоқ қўчатлари

етиштиришни йўлга қўйди. Унинг фикрича, аҳолининг экин ерларидан омилкорлик билан фойдаланиш бо-расидаги билимини ошириш орқа-ли бозорни тўқин қилиш, кўплаб оилаларни камбағалликдан чиқариш мумкин.

— Вилоятимиз бўйича қўшимча 5 минг хонадонда шундай иссиқхо-налар қуриб бериш вазифаси қўйил-гани айтилган бўлди, — дейди яна бир сўхбатдошимиз, Садиқ ма-ҳалласида яшовчи Жаҳонгир Муродов. — Негаки, ердан йилига уч марта ҳосил олиш афзаллигини биз ўз фаолиятимиз мисолида кўряп-миз. Икки сотих ерда барпо этил-ган иссиқхонамиздан ярим тонна картошка жамгардик. Энди эса по-мидор билан бодринг етиштиряп-миз. Билган инсонга ернинг турган-битгани ҳазина.

Диққатга молик жиҳати шундаки, пешкулик миришкорлар томонидан мавсумий йумушларга аҳоли нисба-тан тифиз яшовчи қўшни туманлар-дан ишчи кучи жалб қилинапти. Бу ерда помидор, бодринг, булғор қалампери, сабзи, картошка, лимон,



апельсин, шунингдек, қўчатчилик билан шуғулланишга ихтисослашган бутун бошли оилаларни учратиш мумкин.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари то-монидан ўтказилган йиғилишда са-ноат, туризм каби катта йўналиш-лар қаторида янги бог-роғлар бар-по этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шофиркон, Гиждвон, Пешку ҳамда Бухоро ту-манларида 10 минг гектар майдон-да узумзор, шунингдек, 5 минг гек-тар ерда ўрик, гилос, анжир каби экспортбўл мева боғларини барпо этиш вазифаси қўйилди. Бу, албат-та, бозорларимизни янада тўқин қилиш, янги иш ўринлари очиш, ўз навбатида, шириндан-шакар мева-ларни экспортга чиқариш қўламини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

кунда оила аъзолари ҳам шу ҳунар билан машғул.

— Бизда уч ёшли бола ҳам бе-кор ўтирмайди, — дея нимтабас-сум қилади уста. — Оилада хотин-қизлар, болалар пайдан момик тайёрлаш билан машғул бўлишса, ўғил ва невараларни чўтда ўйиш, шакл бериш ишларини амалга оширади. Бири елимлайди, бири пайлайди, бири бўёқ беради. Бу жамоавий меҳнат моддий жиҳат-дан ҳам фойдали. Ҳозирда битта эгар 1,5 миллион сўмдан 3 мил-лион сўмгача сотилапти. Айниқса, бугунги кунда баҳодирлар ўйини саналмиш улоқ, кўпқари каби мил-лий спорт турларига бўлган эъти-бор кучайди, халқимизнинг қизи-қиши янада ортиб бораётир. Ча-вандозлар, улоқчи отлар сони кўпайгани сабаб эгарларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ўз навбатида, эгарсозлик ҳунари ри-вожланипти.

Халол меҳнати билан жамоат-чилик ўртасида хурмат қозонган Абдуғаффор Менгниеъов сингари юртдошларимиз ҳунари орқали маданиятимизни, миллий қадрият-ларимиз ва аъналаримизни да-вом эттирибгина қолмай, уни кел-гуси авлодларга ҳам мерос қилиб қолдирмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Анъана

Оддий лойдан яратилган мўъжиза

Бугунги кунда Бувайда туманида ота-боболардан мерос ҳунари меҳр билан давом эттираётган сулолалар кўпчиликини ташкил этади. “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи тажрибали тандирчи уста Сайфиддин Тошматов шулардан бири ҳисобланади. У бобомерос ҳунарни набираларига кўнл билан ўргатмоқда.

— Болалигимдан отамнинг ёнида юриб, тандир ясашни ўрганганман, — дейди отахон. — Бу ҳунар менга отамдан, отамга бобомдан мерос. Шу боис ишимни жуда ҳам яхши кўраман.

Айтиш жоизки, тандир ҳар бир хонадонга кут-барака, файз ва албатта, меҳр-оқибат туйғу-ларини олиб киради. Шўқри, бугунги дориламон кўнларда хо-надонларда кунда-кунора тан-дир тўла нон ёпилади. Новвой-ларимиз бу ишни санъат дара-жасига олиб чиққан.

Фаргона водийсида тўйлар олдида хонадонда янги тандир қуриш яхши анъана сифатида сақлаб қолинган. Халқимизнинг “Хонадонда тўй бўлса, тандир-ўчоқ суюнариш” деган гапи бежиз айтилмаган, ахир.

Тандирчи устанинг маълум қилишича, кунига камида 5-6 та тандир сотилади. Айниқса,



15 — 25 донанон сигадиған тандирларга талаб катта. Шу билан бирга, новвойлар 70 га-гача нон ёпиладиган тандирга ҳам буортма беришади. Мам-лакатимизнинг деярли барча ҳудудидан буюртмачилар бор-лиги қувонарлидир.

— Ҳозирда набирам Жамол-лиддин тандирчи уста сифати-да тўниб қолди, — дейди ота-хон сўзини давом эттираркан.

— Демак, сулоламиз фаолияти бардавом. Оддий лойдан мўъжизалар яратишда давом этамиз.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



Абдуғаффор ака бу ҳунарда ол-тинчи авлод ҳисобланади. Эгар-созликка бўлган қизиқиш ва меҳр унга ота-бобосидан ўтган. От та-насига қандай эгар мос тушишини, қайси ёғоч мустаҳкам бўлиши, буюм ясашга ишлатиладиган мах-сулотлар қандай тайёрланишини ёшлигидан қўриб, қўзи пишган. Мана, салкам қирқ йилки, ўзи мустақил эгар ясаб келмоқда. Бу-гун у тайёрлаётган эгарлар нафа-қат маҳаллий чавандозлар, балки Тожикистон, Туркменистон, Қир-ғизистон ва Қозоғистон каби қўшни мамлакатларда ҳам маш-хур. Бу — уста меҳнатига бери-лаётган юксак эътироф.

— Эгарсозлик жараёни оддий

ЭГАРСОЗ

Халқимизнинг азалий қадриятлари, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ҳунарлари кўп. Эгарсозлик — ана шундай ҳунарлардан бири. Шўрчи туманидаги Эгарчи

Хунарамандчилик

кўринса-да, лекин унинг замирида узоқ йиллик тажриба, сабр ва чидам ётади, — дейди Абдуғаф-фор ака. — Энг аввало, эгар асо-си учун ёғоч танлаб, уни тайёр-лаймиз. Бунинг учун, асосан, оқ тол танланади. Нега айнан тол дейишиниз мумкин. Чўнки у енгил, эгилувчан ва шу билан бирга, жуда чидамли. Ёғоч дастлаб қури-тилади — табиий шaroитда ками-да олти ой сақланади. Мана шу жараён унинг кейинги мустаҳкам-лигига асос бўлади. Сўнгра у чўтда йўчилиб, қисмларга ажратилади: “кўрсик”, “тўшташа”, “тўнгизбел”, “эркакбел”, “қовушиқ” — ҳар бири от танасининг маълум қисмига мос келадиغان шаклда тайёрланади.

Эътиборлиси шундаки, бу қисм-лар бир-бирига мих ёки винтлар ёрдамида эмас, балки “чўтлаш”

маҳалласи бежиз бундай ном олмаган. Чўнки бу ерда эгарсозлик анъанаси асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Эгарсозлик ҳунарини фахр билан давом эттираётган ана шундай усталардан бири — Абдуғаффор Менгниеъов.

деб аталувчи қадимий усулда би-риктирилар экан. Абдуғаффор ака ушбу жараёни ҳам тушунтирди.

— Бу ўзига хос ўймалар бўлиб, ҳар бир қисм бошқасига қириб, маҳкам тутиб туради. Ана шунда эгар асосларининг мустаҳкамлиги кафолатланади. Тайёр бўлган буюм шакли махсус мослама би-лан силликланади, қирра бурчак-лар текисланади. Ёғоч асос тайёр бўлган, унинг устки қисми тери-қоплама билан ёпилади. Сўнъий терини тайёрлаш ҳам алоҳида жа-раён. Катта ҳўкиз пайини юпкалаш орқали момик тайёрланади. Бу момик мол териси бир сутка да-вомида қайнатилишидан ҳосил бўлган табиий елим ёрдамида эгар устига бир текисда ёпиштирила-ди. Бу иш сабр ва аниқлик талаб қилади. Момик ва елим табиийли-

ги боис у нафақат мустаҳкам, бал-ки инсон ва ҳайвон саломатлиги учун зарарсиз ҳамдир.

Абдуғаффор устанинг энг маш-хур ишларидан бири — “қизил эгар” деб аталувчи тури. Бу эгар-ларнинг алоҳида қисмига қийик шох ишлатилади. Махсус қизил бўёқ билан сайқалланади. Бундай эгарлар нафақат кўркам кўринади, балки анъанавий спорт ўйинлари — кўпқари ва улоқда чавандозлар учун фахр манбаига айланган. Ус-танинг сўзларига кўра “қизил эгар” ўзига хос рамзий маънога ҳам эга — у жасорат, куч ва миллий гурур-ни ифодалайди.

“Кўпқарида от йиқилиб, эгар та-ғида қолса ҳам синмайди”, дейди у. Бу гап шунчаки эмас, балки йил-лар давомида етилган маҳоратнинг амалдаги тасдиғи аслида.

Абдуғаффор устанинг бугунги

«ОСМОНИ ФАЛАКЛАРДА»

Уч ҳикоядан иборат ушбу китоб таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб бўлиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган.

Ҳикоялар ўзбек адабиёти-да деярли ёритилмаган мав-зу — учувчилар ҳаётига ба-ғишланади. Мажозий маъно-да “само лочинлари” деб ата-ладиган ушбу машаққатли касб эгаларининг мунтазам мардлик ва матонат талаб этадиган фаолияти, уларнинг фавқулодда ҳолатлардаги қалб кечинмалари, қатъият ва иродаси, севиғи ва бурча са-доқат туйғулари чуқур дра-матизм билан тасвирланади.

Кутулмаган, шиддатли во-қеаларга бой, кескин сюжет йўналишига эга ҳикояларда бош қаҳрамонларнинг маъна-вий жасорати ва инсоний оқилликлари, одамзод руҳия-тининг сирли жумбоқлари уч хил бетакорро характер, уч хил қисмат тимсолида ёрқин намоён бўлади.

Китобда ҳикоялар ҳам қирилл, ҳам лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосида берилгани ёш китобхон-лар учун қулайлик яратган.



«БУ КҮНЛАРНИ ШЕЪР ҚИЛ, ШОИРИМ»

Таниқли публицист ва шоира Зулфия Мўминованинг мазкур китобида шеърлар, публицистик мақолалар ва эсселар жамланган. Ушбу битиклар ижодкор қалбидан сўзланган, долзарб мавзуларга бағишланган.

Матнлар бадий бўёқдор ифодалар билан зийнатлан-ган, тафаккур дурдоналари ва ҳаёт ҳикматлари билан бойитилган. Уларда шоиро-на туйғулар, журналист қўзи, олимнинг нуқтаи на-зари, она қалбидини сезги-лари уйғун тарзда ўзаро қоршган.

Асарлар ўқувчини муло-ҳаза қилишга, маънавий юксалишга, қалбдан покла-нишга чорлайди. Китобда акс этган фикрлар шунчаки мадҳия ҳақи тасодифий туй-ғулар эмас, балки ижодкор-ни руҳлантирган воқеа-ходисаларнинг чуқур таҳлили ва илҳомли ифодасидир. Умумий мазмунда эса мустақил ва фаровон юртимиз келажагига ишонч, халқимизга садоқат, инсон қадрини улуғлаш, ўтмишдан сабақ олиш каби ҳаётий гоълар юксак мафқуравий мезонлар асосида баён қилинган.

Китоб ҳар бир ўқувчини фикрлашга, ҳис этишга, маъ-навият оламига саёхат қилишга ундайди.

«Халқ сўзи».



15 августдан айрим қуш турлари, хусусан, каптар, чуррак, бедана ва балчиқчи қушларни овлашга рухсат берилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юклат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳах — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.30 Топширилди — 04.10 1 2 3 4 5 6